

**Истеъмол кредити бериш тўғрисидаги**  
**\_\_\_\_\_сонли КРЕДИТ ШАРТНОМА**  
**(намунавий шакл)**

\_\_\_\_\_ шаҳри 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг \_\_\_\_\_ филиали/Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси (бошлиғи) \_\_\_\_\_ Низом ва 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да берилган \_\_\_\_\_-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи, бир томондан ва \_\_\_\_\_ кейинги уринларда «Қарздор/мижоз» («\_\_» йил \_\_\_\_\_ да берилган паспорти серияси \_\_\_\_\_, N \_\_\_\_\_), деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти иккинчи томондан ушбу шартномани (келгусида шартнома деб аталади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**1-§. Шартнома предмети**

1. Банк, мавжуд кредит ресурслари доирасида ва Кредит комиссиясининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли баённомаси асосида \_\_\_\_\_ (товар, хизматлар номи) \_\_\_\_\_ сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартлар асосида \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) сўм миқдоридида кредит маблағларини беради.

2. Ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган кредит суммаси Қарздорнинг/мижознинг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида товарлар сотувчиси(хизматлар кўрсатувчи) ҳисоб рақамига кредитлаш объектини \_\_.\_\_.20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сонли олди-сотди шартномаси (контракт, битим) га асосан тўловларни нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. Қарздор/мижоз томонидан олинган кредит ҳисобини юритиш учун Банк унга тегишли ссуда ҳисоб рақамини очади.

**2-§. Шартнома қиймати**

4. Кредитдан фойдаланганлик учун Қарздор/мижоз Банкка кредит учун йиллик \_\_% ҳисобида кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳисобланган фоиз суммасини тўлайди. Кредит маблағи шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, муддати ўтказилган қарздорлик учун фоиз ставкаси йиллик \_\_% ҳисобида ҳисобланади.

5. Кредит бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни ушбу шартноманинг 4-бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда Қарздорнинг/мижознинг кредит ҳисобварағида Банк томонидан ҳисобга олинган кредит суммаси қолдиғига нисбатан ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 11-санасида ундирилади.

*Кредит тўловлари дам олиш кунларига тўғри келса, ҳисобланган фоизларни тўлаш дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунида амалга оширилади, дам олиш кунларда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда.*

6. Кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизлар юзага келган тақдирда Қарздор/мижоз ҳар бир муддати ўтган кун учун муддати ўтган фоиз суммасидан Банкка 0,5% миқдоридида, лекин муддатида тўланмаган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**3-§. Банк мажбуриятлари**

9. Кредитни Қарздорга/мижозга 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_дан 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача фойдаланиш муддати билан бериш.

10. Тегишли кредит ҳисоб рақамларини очиш.

11. Қарздор/мижоз томонидан кредит берилиши учун барча зарур шартлар бажарилгач,

кредит маблағини товар (хизмат) сотувчисининг ҳисобварағига ўтказиб бериш.

12. Кредитни муддатидан олдин ундириш омили ва сабаблари ҳақида Қарздорни/мижозни хабардор этиш.

13. Асосий қарзни тўлаш бўйича \_\_ ойлик имтиёзли давр белгилаш (*агар кредит ёи оилага берилганда ва қарздор/мижоз томонидан асосий қарзни тўлаш учун имтиёз сўралганда*).

13-1. Кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда қарздор/мижоз зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 календарь куни давомида ҳар қандай алоқа боғлаш усулидан, шу жумладан электрон алоқа воситасидан фойдаланиб, қарздорга/мижозга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида кредитни қайтариш графигини илова қилган ҳолда хабар бериш.

13-2. Қарздорни/мижозни ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, қиймати, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, қарздордан/мижоздан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш.

13-3. Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга/мижозга етказиш.

#### **4-§. Қарздорнинг/мижознинг мажбуриятлари**

14. Кредитдан фойдаланиш давомида кредит олиш тартибларига, яъни қайтаришлилик, таъминланганлик, муддатлилик, тўловлилик ва кредитни мақсадли ишлатиш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш.

15. Қарздор/мижоз таъминот сифатида куйидагиларни тақдим этади: (ушбу банд таъминот турига қараб акс эттирилади)

- \_\_\_\_\_ га тегишли (кадастр № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_, бинога гувоҳнома № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_), ва \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_  
(кўчмас мулкнинг тўлиқ номи) (рақам ва ёзма ҳолда)

сумга кўчмас мулк гарови, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва банкни қониқтирийдиган шаклда;

- \_\_\_\_\_ га тегишли (техпаспорти № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_), давлат рақами \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ манзилда руйхатдан утган \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_  
(транспортнинг тўлиқ номи) (рақам ва ёзма ҳолда)

сумга автотранспорт гарови, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва банкни қониқтирийдиган шаклда;

- \_\_\_\_\_ сум кредит ҳамда ҳисобланган фоизлар, жарима тўловлари ва кредит бўйича бошка туловларни коплаш бўйича \_\_\_\_\_ нинг кафиллиги.

16. Гаров мулкни истемол кредити амал қилиш муддатига банк фойдасига ўрнатилган тартибда суғурталайди. Суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шарномаси асл нусхаларини банкка тақдим этади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш, алоҳида шартнома доирасида тартибга солинади, гаров шартномалари (кафиллик) - кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

17. Қарздорнинг/мижознинг ва гаровга берувчининг гаров реестрига ёзувларни киритиш учун ёзма розилигини тақдим этиш.

18. Кредитни, мазкур шартномада кўрсатилган, яъни 20\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ гача, хар ойнинг 11 санасида, кредитнинг асосий қарзини ва у бўйича ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган жадвалга асосан тўлаш.

19. Банкдаги талаб килиб олингунча депозит ҳисобварағига нақд пул киритиш ёки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўловни амалга ошириш йўли билан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни ҳамда Банк тарифларига мувофиқ ундириладиган воситачилик ҳақини сўндириш.

20. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборотни 5 (беш) кун мобайнида банкка тақдим этиш.

21. Ушбу шартнома амал қилиш муддати мобайнида Қарздор/мижоз, банкнинг даслаб розилигини олмасдан, ушбу шартнома бўйича Қарздорнинг/мижознинг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслиги ва кафиллик бермаслиги шарт.

22. Кредитлаш объектига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг \_\_\_ кун муддат ичида Банкка кредитдан мақсадли фойдаланилишни тасдиқловчи ҳужжатлар (накладной/кабул қилиш далолатнома/ ҳисобварақ ) тақдим қилиш.

23. Банк сўровига биноан банк вакилларига кредит таъминотига олинган мол-мулкни, кредитга таалуқли бўлган бошқа мол-мулкни кўздан кечириш ва ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятларини бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни жойига бориб кўриш имкониятини таъминлаш.

24. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қилиш бутун даври мобайнида Қарздорнинг/мижознинг ва кафилнинг (агар жисмоний шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса) даромадлари тўғрисидаги ахборотни (агар юридик шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса) солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган баланс ва бошқа молиявий ҳисоботларни ҳамда ушбу истеъмол кредитига тегишли бўлган бошқа маълумот ва ҳужжатларни, банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича тақдим этиш.

25. Банк талабига ва кредит муносабатлари жараёнида пайдо бўладиган заруратга кўра, кредитга оид масалага тегишли саволлар ва ҳар қандай маълумотни тақдим қилиш. Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун Қарздор/мижоз жавоб беради.

## **5-§. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

26. Банкнинг ҳуқуқлари:

27. Банк, Қарздорнинг/мижознинг ва кафилнинг молиявий ҳолатини, гаровга қўйилган мол-мулкни назорат қилиш ва Қарздор/мижоз мажбуриятларини бажарилиши назоратини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

28. Қарздор/мижоз томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга оширишга ҳақли ҳисобланади:

қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга /мижозга етказиш;

талабнома етказилгандан сўнг ўттиз кун ичида қарздор/мижоз унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, тегишли талаб билан судга мурожаат қилиш;

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;
- ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажармаслик ҳолати аниқланганда қарздордан/мижоздан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- кредит бўйича қарздор/мижоз ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган тақдирда, Банк ундирувни гаров ва кафиллик шартномаларида белгиланган шартларда таъминотга қаратиш;

- ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.
29. Қарздорнинг/мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан қуйидаги ҳолларда қарздорликни акцептсиз тўлов талабномасига асосан ундириш:  
сўндириш жадвалига мувофиқ қарздор/мижоз томонидан асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаганда;  
банк томонидан кредитни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида қарор қабул қилинганда.
30. Қарздор/мижоз ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб истеъмол кредитини бир ой муддатда ўзлаштирмаган тақдирда, банк ушбу шартномани, қарздорни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.
31. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича асосий қарз ва/ёки унга ҳисобланган фоизлар икки ой давомида кетма-кет сўндирилмаса, банк юзага келган қарздорликни сўндириш учун ундирувни қарздор/мижоз томонидан тақдим қилинган гаров таъминотига қаратиш ҳуқуқига эга.  
*(Агар пул маблағлари гарови олинган бўлса)*
32. Қарздор/мижоз истеъмол кредитини сўндириш жадвалига асосан белгиланган муддатларда асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларнинг сўндирилиши бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Банк пул маблағи гарови ҳисобидан фармойишга биноан ундириб олиш ҳуқуқига эга. Бунда қарздорлик бўйича ундирилган сумма миқдори икки ой давомида қарздор/мижоз томонидан тўлдирилиши шарт.
33. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича асосий қарз ва/ёки унга ҳисобланган фоизлар сўндирилиши бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ҳамда кредит бўйича бир-нечта таъминот турлари тақдим этилган бўлса, Банк ундирувни ўзи хоҳлаган таъминотга қаратиш ҳуқуқига эга.
34. Қарздорнинг/мижознинг ҳуқуқлари:
35. Ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган сумма доирасида товар (кўрсатилган хизматлар) учун кредит ҳисоб рақамидан тўловни амалга ошириш.
36. Кредит бўйича навбатдаги асосий қарз ва фоиз тўловларини муддатидан олдин сўндириш.
37. Олинган кредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини муддатидан олдин тўлиқ тўлаган ҳолда Банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

## **6-§. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

38. Томонлар шартнома шартларини бажаришдан бош тортган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## **7-§. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

39. Томонлар ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида вужудга келадиган низо ва тушунмовчиликларни музокаралар орқали ҳал қиладилар.

40. Томонлар низо ва тушунмовчиликларни музокара орқали ҳал қила олмасалар, иккинчи томонни оғоҳлантирган ҳолда, фуқаролик судига мурожаат қилинади.

## **8-§. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ**

41. Кредит асосий қарзи ва асосий қарз бўйича ҳисобланган фоизларни сўндириш жадвали иловаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

41-1. Банк Қарздор/мижоз учун ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтаришнинг ва ҳисобланган фоизни тўлашнинг масофадан туриб амалга ошириш имкониятини яратади.  
*(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ киритилган банд)*

42. Қарздорнинг/мижознинг ўлими юз берган ҳолда, унинг барча ҳуқуқ ва

мажбуриятлари амалдаги қонунчиликка асосан меросхўрлари зиммасига ўтади.

43. Шартнома шартлари бажарилиши муддати, шартнома имзоланган кундан бошлаб то Қарздор/мижоз томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

44. Шартнома шартларининг ўзгариши томонларнинг қўшимча битимига асосан расмийлаштирилади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

45. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини қўллайдилар.

46. Ушбу шартнома Банк ва Қарздор/мижоз учун алоҳида икки асл нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва шартнома имзолангандан то шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

#### ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| БАНК                                | ҚАРЗДОР/МИЖОЗ |
|-------------------------------------|---------------|
| «Трастбанк» ХАБ _____ филиали       | Ф.И.Ш _____   |
| Манзил: _____                       | Манзил: _____ |
| МФО _____, СТИР _____               | х/р _____     |
| Тел. _____                          | Тел. _____    |
| Факс _____                          | Факс _____    |
| Филиал бошқарувчиси _____<br>(имзо) | _____         |
| Бош бухгалтер _____<br>(имзо)       | ИМЗО          |
| М.Ў.                                |               |